

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида  
жисмоний шахсга автомобиль сотиб олишга кредит  
бериш тўғрисида низомга”га  
**2-илова**

## КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг \_\_\_\_\_ филиали (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси \_\_\_\_\_ Низом ва Ишончнома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва жисмоний шахс \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Қарздор/мижоз), иккинчи томондан, мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздик.

### 1-§. Шартнома предмети

1. Банк Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автомобилни сотиб олишга кредит бериш мажбуриятини, Қарздор/мижоз эса олинган кредитни белгиланган муддатда қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш мажбуриятини олади.

2. Банк Қарздор/мижозга \_\_\_\_\_ автомобили сотиб олиш учун ушбу  
(автомобиль маркази)

Шартномада назарда тутилган шартлар асосида \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм кредит беради.

3. Банк Қарздор/мижоз аризаси асосида \_\_\_\_\_  
[ишлаб чиқарувчининг расмий дилери (автосалон)

\_\_\_\_\_ ҳисобварағига кредитга сотиб олинаётган автомобиль учун тўловни  
ёки сотувчи-комиссионер] пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4. Қарздор/мижоз томонидан олинган кредит ҳисобини юритиш учун Банк унга тегишли кредит ҳисобварағи очади.

### 2-§. Шартнома қиймати

5. Кредитдан фойдаланганлик учун Қарздор/мижоз Банкка йиллик \_\_ (\_\_\_\_\_) фоиз ҳисобидан кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳисобланган фоизни тўлайди.

Кредит ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида қайтарилмаса, муддати ўтган қарздорлик учун йиллик \_\_ (\_\_\_\_\_) фоиз ҳисобидан фоиз ҳисобланади.

6. Кредит бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни ушбу Шартноманинг 5-бандида белгиланган фоиз ставкаси бўйича берилган санадан бошлаб амалдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда Қарздорнинг/мижознинг кредит ҳисобварағи қолдиғига нисбатан ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 11-санасида ундирилади.

Кредит тўлови дам олиш кунларига тўғри келса, ҳисобланган фоизларни тўлаш дам олиш кунидан кейинги биринчи банк иш кунида, дам олиш кунларда ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилади.

Кредит фоизлари бўйича тўлов муддати ўтган қарздорлик вужудга келганда, Қарздор/мижоз тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган фоиз қийматининг 0,5 фоизи, бироқ муддатида тўланмаган фоиз қийматининг 50 фоизидан ошмаган, миқдорда пеня тўлайди, пеня тўланиши Қарздорни/мижозни муддати ўтган фоизни тўлашдан озод қилмайди.

*7-банд Банк кенгашининг 2018 йил 4 майдаги 86-қарори билан тасдиқланган ва 489-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ ўз кучини йўқотди:*

7. Қарздор/мижоз кредит лойиҳаси кўриб чиқилганлиги учун Банк тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи тўлайди. (Банк кенгашининг 2018 йил 9 февралдаги 31-қарори билан тасдиқланган ва 480-сон билан рўйхатга олинган ўзгартиш ва қўшимчалар

таҳриридаги банд)

### 3-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Қарздорнинг/мижознинг тўловга лаёқатлилик қобилиятини янада тўлароқ таҳлил қилиш учун ундан қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш;

б) кредитлаш даврида Кредит бюросидан Қарздор/мижоз ва кафил ҳақида кредит ҳисоботи олиш;

в) Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини Қарздорга/мижозга етказиш; *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

г) талабнома етказилгандан сўнг ўттиз кун ичида Қарздор/мижоз унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, тегишли талаб билан судга мурожаат қилиш; *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

*Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ “в” ва “г” кичик бандлари мос равишда “д” ва “е” кичик бандлари деб ҳисобланди:*

д) кредит ва унга ҳисобланган фоизлар белгиланган муддатда сўндирилмаганда, қарздорликни кафилдан ундириш;

е) кредит ва унга ҳисобланган фоизлар белгиланган муддатда сўндирилмаганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига асосан, Қарздорнинг/мижознинг банк пластик картаси махсус ҳисобварағи ва бошқа депозит ҳисобварақларида турган пул маблағини тўлов талабномаси ёки мемориал ордер воситасида акцептсиз тарзда ечиб олиш орқали кредит қарздорлигини қоплаш.

9. Қарздор/мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) кредит суммаси \_\_\_\_\_  
*[ишлаб чиқарувчининг расмий дилери (автосалон) ёки сотувчи-комиссионер]*

ҳисобварағига ўз вақтида ўтказиб берилишини Банкдан талаб қилиш;

б) ушбу шартнома тузилгандан кейин ва Қарздор/мижоз томонидан пул маблағи олингунга ёхуд кредит ҳисобидан автомобиль учун тўлов амалга оширилгунга қадар бўлган даврда кредит олишдан бепул асосда воз кечиш; *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

в) кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизни жарима санкцияларисиз исталган вақтда муддатидан олдин тўлиқ тўлаган ҳолда Банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш. *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги кичик банд)*

10. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) кредитни Қарздорга/мижозга 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ гача бўлган муддатга бериш;

б) Қарздорга/мижозга ўз вақтида кредит ҳисобварағи очиш;

в) Қарздор/мижоз томонидан кредит ажратилишига оид шартлар [сотувчи-комиссионер, комитент ва қарздор/мижоз ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлатиш (автомобиль иккиламчи бозордан олинганда), ўз маблағи билан қатнашиш, кредит таъминоти сифатида кредитга сотиб олинаётган автомобилни (ёки бошқа мулкни) гаровга қўйиш ва гаров шартномасини нотариал тасдиқлатиш, гаров қўйилган автомобилни (ёки автомобиль ўрнига гаровга қўйилган бошқа мулкни) кредитдан фойдаланишнинг бутун даврига йўл-транспорт ходисаси ҳолати ва бошқа

нохуш ҳолатлардан суғурталаш] бажарилгандан сўнг, автомобиль қийматини тўлик миқдорда \_\_\_\_\_

*[ишлаб чиқарувчининг расмий дилери (автосалон) ёки сотувчи-комиссионер] ҳисобварағига ўтказиб бериш; (Банк кенгашининг 2018 йил 4 майдаги 86-қарори билан тасдиқланган ва 489-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги кичик банд)*

г) Қарздорнинг/мижознинг талаби бўйича кредит ҳисобварағининг ҳолатига оид кўчирмани тақдим қилиш;

д) кредитни муддатидан олдин ундириш омили ва сабаблари ҳақида Қарздорни/мижозни хабардор этиш;

е) кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда қарздор/мижоз зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 календарь куни давомида ҳар қандай алоқа боғлаш усулидан, шу жумладан электрон алоқа воситасидан фойдаланиб, қарздорга/мижозга муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида кредитни қайтариш графигини илова қилган ҳолда хабар бериш; *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

ё) Қарздорни/мижозни ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, қиймати, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, қарздордан/мижоздан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш; *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

ж) Қарздордан/мижоздан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш графигида белгиланганга нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтириш ҳамда кредит қийматини қайта ҳисоблаш; *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

з) Қарздорни/мижозни куйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ўз молиявий аҳволини таҳлил қилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш:

Қарздорнинг/мижознинг қарз юки жорий молиявий аҳволига мос келиши;

ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажариши учун тахминан қайси муддатларда ва қанча миқдорда пул маблағи келиб тушиши кутилаётганлиги (иш ҳақи тўланиши, бошқа даромад олиши даврийлиги);

ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин бўлган енгиб бўлмас куч таъсиридаги вазиятлар ва бошқа ҳолатлар юз бериши эҳтимоли (доимий ишини йўқотиш, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадни кечикиб олиши, ишга жойлашиши, соғлиғининг ёмонлашганлиги натижасида даромадининг тушиб кетиши);

*(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган кичик банд)*

и) Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга/мижозга етказиш (ушбу талабномада талабнома тузилган санадаги Қарздорнинг /мижознинг жорий қарзи миқдори ва таркиби, қарзни тўлаш усуллари, талабномада кўрсатилган муддатгача қарздор/мижоз ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари ва низони суддан ташқари ҳал қилиш усуллари қайд этилади). *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги кичик банд)*

11. Қарздор/мижоз ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) кредит ажратилгунга қадар қуйидаги шартларни бажариш: сотувчи-комиссионер, комитент ва қарздор/мижоз ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлатиш (автомобиль иккиламчи бозордан олинганда), ўз маблағи билан қатнашиш, кредит таъминоти сифатида кредитга сотиб олинаётган автомобилни (ёки бошқа мулкни) гаровга қўйиш ва гаров шартномасини нотариал тасдиқлатиш, гаров қўйилган автомобилни (ёки автомобиль ўрнига гаровга қўйилган бошқа мулкни) кредитдан фойдаланишнинг бутун даврига йўл-транспорт ҳодисаси ҳолати ва бошқа нохуш ҳолатлардан суғурталаш; *(Банк кенгашининг 2018 йил 4 майдаги 86-қарори билан тасдиқланган ва 489-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги кичик банд)*

б) кредит объекти тўлови учун пул маблағи ўтказилгандан сўнг 10 календарь кунлик муддат ичида кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни (қабул қилиш/топшириш далолатномасини) Банкка тақдим қилиш (автомобиль иккиламчи бозордан олинганда).

в) кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида, яъни ушбу Шартноманинг иловасида келтирилган “Кредитни қайтариш ва фоиз тўлови графиги” бўйича сўндириш;

г) Гаров реестрига ёзув киритишга ўзининг ёзма розилиги тақдим этиш;

д) кредитга сотиб олинган автомобиль ушбу кредит бўйича гаровга олинган бўлса, яқин қариндошларидан [эр (хотин), ота-она, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар] ташқари бошқа учинчи шахсга ушбу автомобилни бошқариш учун ишончнома бермаслик;

е) яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ва ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга оид ўзгаришлар тўғрисида ахборотни 5 (беш) банк иш куни мобайнида Банкка тақдим этиш.

#### **4-§. Томонларнинг жавобгарлиги**

12. Томонлар ушбу Шартнома шартларини бажармаганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради ва жаримага тортилади.

#### **5-§. Низоларни ҳал қилиш**

13. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиқувчи низоларни, томонларнинг ўзаро розилигига кўра, низони ҳал қилишнинг суддан ташқари усуллари кўллаш, шу жумладан музокара ўтказиш орқали ҳал қилиш мажбуриятини олади. *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

14. Низони музокара йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаса, ушбу Шартнома 10-бандининг “и” кичик бандида қайд этилган талабномада белгиланган муддатда – ўттиз кун ичида Қарздор/мижоз унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, Банк тегишли талаб билан фуқаролик судига мурожаат қилишга ҳақли ҳисобланади. *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

#### **6-§. Шартноманинг бошқа шартлари**

15. Ушбу Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15-1. Банк қарздор/мижоз учун ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтаришнинг ва ҳисобланган фоизни тўлашнинг масофадан туриб амалга ошириш имкониятини яратади. *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

16. Қарздор/мижоз вафот этганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

17. Мазкур Шартнома у имзоланган кундан бошлаб то Қарздор/мижоз томонидан ушбу Шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

18. Мазкур Шартноманинг бекор қилиниши томонларни у бекор қилингунга қадар билдирилган ўзаро даъволарни (талабларни) қондириш мажбуриятидан озод қилмайди.

19. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланганда қонуний кучга эга бўлади.

20. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қўлланилади.

#### 7-§. Томонларнинг почта манзили ва реквизитлари

Банк:	Қарздор/мижоз:
Манзили: _____	Манзили: _____
Тел.: _____ Факс: _____	Телефон: _____
Банк коди: _____	Туғилган санаси: _____
Банк ҳисобварағи: _____	СТИР: _____
СТИР: _____	Паспорт: серия _____ № _____
Бошқарувчи: _____	Қачон ва ким томонидан берилган _____
Муҳр	_____ (имзо)